



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
FARMOYISHI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2020 -yil 25 - dekabr

237ф -son

Bog‘ot shaharchasi

1. Туман ҳокимининг 2020 йил 30 июлдаги 153ф сонли фармойишига асосан туман тиббиёт бирлашмасига дори дармон сотиб олиш харажатлари учун ажратилган 17 490 минг сўм маблағ иқтисод қилиниши ҳамда ҳозирда коронавирус билан касалланиш анча камайганлигини инобатга олиб тўлиқ захира жамғармасига тиклансин.

2. Боғот тумани халқ таълими бўлимининг 2020 йил 24 декабрдаги №01/7-13-02-618 сонли сўровномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”нинг 73-моддасига асосан туман маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси ҳисобидан 17 490 минг сўм маблағни Боғот тумани халқ таълими бўлимига қарашли умумтаълим мактабларида ташкил қилинган “аёллар маслаҳатхонаси”га маркер доскалар сотиб олиш харажатлари учун ажратилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”нинг 73-моддасига асосан туман маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси ҳисобидан туман ҳокимининг 2020 йил 5 майдаги 91ф сонли, 2020 йил 18 сентябрдаги 181ф сонли, 2020 йил 24 октябрдаги 215ф сонли, 2020 йил 6 ноябрдаги 219ф сонли фармойишларига асосан туман ҳокимиятига ажратилган маблағлар иқтисод қилиниши ҳисобига 20250 минг сўм маблағни туман ҳокимиятининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш харажатлари учун йўналтиришга руҳсат берилсин.

4. Туман Молия бўлими (Ж.Рўзметов) туман маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

5. Туман Ҳазначилик бўлинмаси (Ш.Қурбонов) ажратилган маблағни белгиланган тартибда ўтказилишини таъминласин.

6. Туман халқ таълими бўлими (Т.Мирзаев) ажратилган маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминласин.

7. Ушбу фармойиш ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари С.Қурбонов зиммасига юклансин.

Боғот туман ҳокими
вазифасини бажарувчи

Ш.Яхшибаев